

Урганчда янги жоме масжиди қурилди



09:21 / 24.11.2018 3400

Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида «Ниёз Муҳаммад Охунд бобо» жоме масжиди қурилиши якунланди. Бу ҳақда kun.uz нашри [хабар берди](#).

Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг январь ойида Хоразм вилоятига амалий ташрифи давомида янги масжид пойдевориغا биринчи тамал тошини қўйиб, масжиднинг кўркам, барча талаб ва эҳтиёжларга мос бўлишини таъминлаш бўйича топшириқ бериб, фикр-мулоҳазалар билдирган эди.



Орадан бир ярим йил ўтиб, хайрли иш ўз ниҳоясига етди. Умумий майдони 3,5 гектарни эгаллаган масжид мажмуасида 4000 нафар намозхон учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилган.



Масжид чорбурчак шаклида бўлиб, унинг қишки намозхонаси тепасида маҳобатли гумбаз қад ростлаган. Масжид ёнида баландлиги 47 метр бўлган минора бор. Масжид меъморий тузилиши жиҳатидан Ўзбекистонда ўхшаши йўқдир.



Islom.uz портали таҳририяти